

12-20-2018

MODERN TECHNOLOGIES OF USING THE TESTING SYSTEM IN THE EDUCATIONAL PROCESS

D.E Tashtemirov

Gulistan State University, toshtemirov73@mail.ru

D.E Abduraimov

Gulistan State University

Ya.E Djumabaeva

Retraining of public educators at Gulistan State University and a regional center for their professional development

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Tashtemirov, D.E; Abduraimov, D.E; and Djumabaeva, Ya.E (2018) "MODERN TECHNOLOGIES OF USING THE TESTING SYSTEM IN THE EDUCATIONAL PROCESS," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 24.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2018/iss4/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК 372.851: 372.800.2

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТЕСТ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШ**

Д.Э.Тоштемиров*, Д.Э.Абдураимов*, Я.Э.Джумабоева**

*Гулистон давлат университети,

**Гулистон давлат университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази

E-mail: toshtemirov73@mail.ru

Маълумки ўқувчилар билими, кўникмаси ва малакасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг муҳим ташкил этувчиси ҳисобланади. Таълим жараёнини назорат қилиш ва баҳолаш ҳар бир ўқув йили давомида тизимли, изчил ва таълимнинг пухталиги каби дидактик тамойилларга мувофиқ олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, назорат қилиш ва баҳолашда қўйилган масалаларнинг қандай ечилаётганига, яъни ўқувчи қандай билим, кўникма ва малакага, дунёқараши ва ахлоқий-эстетик қарашлари, ижодий фаолият кўрсаткичларига эга эканлигига эътибор қаратиш муҳимдир.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Таълим жараёни сифатини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий технологияларини жорий қилиш ҳамда улардан фойдаланишга оид тадқиқотларни Информатика ва ахборот технологиялари ўқув предметини ўқитиш мисолида қараб чиқамиз. Тадқиқот ишида кузатиш, таққослаш, тажирба ўтказиш ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича ўқувчилар билимини назорат қилиш жорий, оралик ва якуний назоратлар шаклида олиб борилади. Жорий назорат қилишнинг турлари қуйидагилардан иборат: оғзаки сўров, уй иши, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини кузатиш, амалий ва лаборатория ишларини бажариш. Ўқувчилар билимини назорат қилишнинг қизиқарли шакллари сифатида турли хил рефератлар тайёрлаш, кроссвордлар ва ребуслардан фойдаланиш мумкин.

Оралик назорат жорий назоратга қараганида кўпроқ мустақил назорат тури ҳисобланади. Оралик назорат қуйидаги ҳолларда ташкил этилади: ўқув фаолиятининг самара даражасини текшириш (баҳолаш); диагностик (орқада қолиш сабабларини эълон қилиш); ташкилий (қўлланилаётган методларнинг самаралари); тарбиявий-мотивацион (оралик назорат натижалари билан ўқувчиларнинг ўзларини ўзлари баҳолашни мустаҳкамлаш).

Якуний назорат ўқув предметини якунлаш жараёнида, шунингдек, ўқув йилининг тугаши арафасида ташкил этилади. Якуний назорат ёзма иш, оғзаки ва тест шаклида ўтказилиши мумкин.

Ҳозирги кунда ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий шаклларида бири сифатида тест синовидан фойдаланилмоқда. “Тест” сўзи инглизча сўз бўлиб, тажриба, синов деган маънони англатади. Тест синови диагностика методи бўлиб, асосан стандарт саволлардан фойдаланилади.

Тест тизимидан фойдаланиш жараёни назорат қилиш ва баҳолашнинг бошқа шаклларида қараганда қуйидаги афзалликларга эга:

- Барча ўқувчиларга тенг шароит яратилади (вақт ва тест саволларини танлаш ҳисобида);
- Маълум вақт ичида ўқувчиларнинг кенг доирасини ва мавзунинг тўлиқ мазмунини камраб олиш даражаси;
- Берилган саволларда тасодифийлик элементлари камаяди, бу эса имтиҳон олувчининг ноҳолислигини йўққа чиқаради;
- Имтиҳон олувчи ва топширувчи ўртасида субъектив фикрни йўққа чиқаради;
- Текширишга вақт ва куч сарфлаш камаяди, шу билан бирга ўқитувчининг ўқувчи устидаги назоратини энгиллаштирилади;
- Савол ва жавоблар стандарт шаклга эга бўлганлиги учун тест жавобларига компьютер томонидан тезда статистик ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади ва бошқалар.

Тестлар икки турга бўлинади: 1. Эслаш ва тўлдириш учун тестлар; 2. Танлов тестлари.

Танлов тестлари ўз навбатида алтернатив, кўп танловли ва кесишувчи танловли тестларга бўлинади [1].

Биринчи турдаги тестлар ўқувчиларга гапдаги ёки боғловчи матндаги бўшлиқларни тўлдириш вазифасини қўяди.

Масалан: Қолиб кетган сўзни қўйинг. Белгили ўзгарувчанлик - бу олинган белгилар кетма-кетлиги.

- А. Кўштирнок.
- В. Қавс.
- С. Думалок қавс.
- Д. Квадрат қавс.

Муқобил тестда ўқувчи иккита “ха ёки йўқ” жавобларини танлаш керак бўлган вазифалар берилади.

Масалан: Байт 8 битдан иборатми?

- А. Ҳа
- В. Йўқ

Кесишувчи танловли тестлар бир қанча вазифалардан иборат бўлиб, бу вазифалар бажарилгандан сўнг ўқувчи олган натижалар ва тахмин қилинган натижалар ўртасида мувофиқни текширади.

Масалан: Қуйида ўнлик санок системасида берилган сонли ифодаларнинг Бейсик программалаш тилида ёзилишини аниқланг?

- | | |
|----------------------|---------------|
| а) 7 | 1) 3E -10 |
| б) 6,0 | 2) 1 |
| в) 7,345678 | 3) 4.E 27 |
| г) 0,00012 | 4) 87 8787.8 |
| д) 0,00000000003 | 5) 6.0 |
| е) $4 * 10^{27}$ | 6) 999. E-11 |
| ж) 2,34455628921 | 7) 12. E-5 |
| з) 1,000000001 | 8) 7 |
| и) 878787,8 | 9) 2.344556 |
| к) $9,91 * 10^{-12}$ | 10) 7. 345678 |

Алтернатив танловли тест топшириқлари вазифа ва жавоблар тўпламидан (жавоблардан бири тўғри, қолганлари нотўғри муқобил жавоблар) иборат бўлади. Ўқувчи ушбу жавоблар тўпламидан тўғриси топиб танлаши керак.

Масалан: Паскаль – бу:

- А. Програма
- В. Программалаш тили.
- С. Юқори даражали программалаш тили.
- Д. Иккиланган код тили.

Кўп танловли тест топшириқларида жавоблар варианты бир нечта тўғри жавоблардан иборат бўлади [1], [3].

Масалан: 1. Компютер тармоқларининг турларини белгиланг? 1) локал тармоқ; 2) электр тармоғи; 3) минтақавий тармоқ; 4) мослашув тармоғи; 5) интранет ва глобал тармоқ.

Жавоблар: а) 1, 2 г) 2, 3, 4 б) 2, 4, 5 д) 3, 4, 5 в) 1, 3, 5

2. Мантқиқий маълумотлар қандай қийматларни қабул қилади? 1) TRUE (рост) «1» қийматни; 2) «2» ни; 3) FALSE (ёлғон) «0»; 4) Ҳеч қандай қиймат қабул қилмайди; 5) «аъло» қийматни.

Жавоблар: а) 1 ва 2 б) 1 ёки 3 в) 1ёки 5 г) 2 ва 3 д) 3 ва 5

Тўлдиришни талаб қилувчи тестларда жавоб учун мос келадиган сўзларни танлаб нукталар ёки чизик ўрнига жойлаштириш керак бўлади.

Масалан: 1. Маълумотларни босмага чиқарувчи қурилма бу _____?

- а) сканер б) модем в) модел г) принтер д) сервер

2. Тармоқ ишини таъминловчи махсус компютер бу _____ ?

- а) сайт б) модем в) модел г) объект д) сервер

Мувофиқлаштирувчи тестлардаги топшириқларда таълим олувчиларга иккита рўйхат тақдим этилади, улардан бирида саволлар туркуми, иккинчисида эса жавоблар туркуми акс эттирилган бўлади.

Таълим олувчилар саволлар туркумига мувофиқ келувчи жавобларни ёзишлари талаб этилади. Масалан: А рўйхат. В рўйхат.

Ҳозирги кунда тест топшириқларининг юқорида кўриб ўтилган бир қанча турларидан таълим жараёнида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда фойдаланилмоқда. Олиб борилган тажрибалар натижасида ўқув предметларидан тест топшириқлари тузишда қуйидагиларга эътибор бериш керак аниқланди:

- тест топшириқларининг барча муқобил жавоблари ҳақиқатга яқин бўлишини таъминлаш;
- тест жавобларидаги сўз ва жумлалар узунлиги деярли бир хил бўлишига эришиш;
- тест жавоблари грамматик жиҳатдан тўғри тузилган бўлиши лозим;
- тест жавобларидаги сўз ва жумлалар тили таълим олувчиларнинг тушунишига мос бўлиши керак;
- тақдим этиладиган тест топшириғи таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолай олишига эришиш;
- тест жавобларининг ҳеч бири маънодош яъни синоним сўзлардан иборат бўлмаслиги лозим;
- танловли тест топшириқларида тўғри жавоб фақат битта бўлиши керак;
- тест жавобларини беришда тўғри жавобни кетма-кет бир ўриндаги жавобларга қўймаслик лозим;
- тест топшириқларининг кўп танловли шаклида тўғри жавобларни кетма-кет жойлаштирмаслик лозим ва ҳ.к.

Ахборот-коммуникация технологияларининг шу жумладан, Интернет технологияларининг ривожланиши натижасида таълим олишнинг янги шакллари амалиётга кириб келди. Таълим олишнинг янги шаклларида бири масофали таълимдир. Масофали таълимнинг пайдо бўлиши натижасида тақдимот файлларини интернет браузерларининг ўзида онлайн равишда тўғридан-тўғри намоёниш қилиш учун flash (swf) форматида ёки HTML5 технологияси асосида маълумотлар тизимини яратиш талаб этилади [2].



1-расм. ISpring дастури кириш ойнаси.

Масофали таълимда маълумотларни тақдим этиш учун PowerPoint дастурида тайёрланган тақдимотлардан flash-роликлар тайёрлаш имкониятини берувчи бир қанча замонавий дастурлар яратилган. Бундай дастурлардан бири ISpring дастуридир (1-расм).

ISpring дастурининг ISpring Free, ISpring PRO ва ISpring Presenter каби вариантлари мавжуд. Бугунги кунда бу дастурга дастурнинг ишлаш тезлиги, маълумотларни бир форматдан бошқа форматга ўтказиш сифати ва операциялар миқдорини ҳисобга олиб жуда кўплаб фойдаланувчилар мурожаат қилмоқда.

ISpring дастури фақатгина flash-тақдимотларни яратиш учун эмас, балки таълим жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган турли роликлар тайёрлаш, хусусан, уларга турли шаклдаги сўровлар яратиш, назорат қилиш ва баҳолаш учун электрон тестларни киритган ҳолда ўзаро интерактив боғланиш имкониятини беради.

ISpring дастурининг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- тақдимот файлларини бир неча (exe, swf, html) форматларда шакллантириш;
- тақдимот мазмунига ташқи ресурсларни (аудио, видео ёки flash файлларни) киритиш;
- тақдимот маълумотларини муҳофаза қилиш;
- парол ёрдамида кўра олиш, тақдимотга ҳимоя белгисини қўйиш, тақдимотни фақат руҳсат этилган фойдаланувчилар мулкига айлантириш;
- видео материаллар қўшиш ва уни анимациялар билан бойитиш;
- электрон тест назоратларини яратиш ва натижаларини электрон почтага ёки масофали ўқитиш тизимига узатиб бериш;

- масофали ўқитиш имкониятини берадиган интерактив матнлар яратиш;
 - масофали ўқитиш тизимида фойдаланиш учун SCORM/AICC га мос келувчи курсларини яратиш;
 - тақдимот материалнинг дастур даражасига айлантириш учун ActionScript API тизимидан фойдаланиш;
 - видеотасвирни ёзиш ва уни тақдимот билан материаллари билан боғлаш;
 - YouTube тизимига жойлаштирилган роликларни тақдимот таркибига киритиш ва ҳоказо.
- Ispring дастурининг Kinetics деб номланган тизими электрон ахборот таълим ресурслари ичига кирувчи маълумотномалар ва луғатларни яратиш имконини беради.
- Kinetics тизимининг куйидаги имкониятлари мавжуд:
- бирор фан бўйича электрон кўринишда қулай бўлган глоссарий, маълумотнома ёки луғат яратиш;
 - вақт шкаласини яратиш;
 - уч ўлчовли китоб яратиш ва бошқалар.
- Электрон ахборот таълим ресурслари таркибига кирувчи электрон назорат қилиш ва баҳолаш тизимини яратиш учун Ispring дастурининг QuizMaker тизимидан фойдаланилади.




2-расм. Ispring дастурида мавжуд тизимларга кириш ойнаси.

QuizMaker тизимининг куйидаги имкониятлари мавжуд:


- тармоқланган ва адаптациялаштирилган тестлар яратиш;
- икки, уч, тўрт ёки беш жавобли ёпиқ тест топшириқлари яратиш, улардан бири тўғри, қолганлари жавобга яқинроқ жавоблардан иборат;
- бир неча тўғри жавобли ёпиқ тест топшириқлари яратиш.
- очиқ тест топшириқлари яратиш;
- ўхшашликни аниқлашга йўналтирилган топшириқлар яратиш;
- тўғри кетма-кетликни аниқлашга мўлжалланган топшириқларини яратиш.

Ispring дастурини ишга тушириш учун дастлаб дастур компьютерга ўрнатилиши керак. Дастур компьютерга ўрнатилгандан сўнг Windows ишчи столида дастур тизимларини ишга тушириш учун дастур ёрликлари пайдо бўлади (3-расм).






3-расм. Ispring дастурига кириш учун ёрликлар.

Ispring дастурида тест яратиш учун дастлаб, Microsoft Power Point дастурида файл ҳосил қилиш керак (4-расм).



4-расм. Microsoft Power Point дастури ишчи ойнаси.


Microsoft Power Point дастури ойнасидан  тугмаси босилади. Microsoft Power Point

дастури ойнаси асбоблар панелидаги  тугмача босилса экранда ҳосил бўлган ойнадан  Create a New Graded Quiz танлаймиз (5-расм).





5-расм. QuizMaker тизимига кириш.

Ispring дастурида тест тузиш учун QuizMaker тизими ишга туширилади. Ispring дастурида тестларнинг бир неча турларини тузиш мумкин. Рост (True) ёки Ёлғон (False) қиймат қабул қилувчи тест тузиш. Асбоблар панелидан мос тугма танланганидан сўнг очилган ойнанинг белгиси ёрдамида жавоби Рост (True) Ёлғон (False) қиймат қабул қилувчи тестлар тузилади (6-расм). Ойнадаги Рост (True) Ёлғон (False) лар ўрнига савол киритилади ва саволнинг жавоби рост ёки ёлғонлиги савол остидаги қийматлар бири танланади. Ҳар бир тест саволи киритилиб жавобини Рост (True) ёки Ёлғон (False) белгисини белгилаб киритилгандан кейин янги тест тузиш тугайди. Янги тест топшириғи тузмоқчи бўлганда тест рост(true) ёки ёлғон(false) жавоб қабул қилиш типиди бўлса яна асбоблар панелидан танланади, акс холда бошқа турдаги савол типи танланади.




6-расм. Рост(True) ёки Ёлғон(False) қиймат қабул қилувчи тест тузиш ойнаси.

Қўп жавобли бир танловли тест тузиш учун 6-расмдаги асбоблар панелидан  белгиси босилади (7-расм). Бир танловли тестда битта саволга тўртта жавоб бўлиб жавоблардан бирини танлаш керак бўлади. Бунинг учун асбоблар панелидан танласак, бу тугмача орқали кўп жавобдан бир танловли тестни киритамиз.




7-расм. Қўп жавобли бир танловли тест тузиш ойнаси.



8-расм. Мослаштирувчи тестларни тузиш ойнаси.

Агар тест топшириқлари Word дастурида бўлса, уларни кўчириш Ctrl+C билан олиб, тест дастурини керакли жойига келтириб Ctrl+V тугмаси босиб жойлаштириш мумкин.

Ispring дастурида мослаштирувчи тестларни ҳам яратиш мумкин. Бунинг учун юқоридаги тартибда асбоблар панелидан  тугмаси танланганидан сўнг 8-расмдаги ойна ҳосил бўлади. Бу ойна ёрдамида мослаштирувчи тестларни тузиш мумкин.

Ispring дастурида биз кўриб ўтган ва яна бир неча турдаги тестларни тузиш мумкин. Тестларни бир ўқув предметида бир неча турларини ёки ҳар бир тест турини алоҳида алоҳида файл шаклида ҳам тузиш мумкин. Тест тузиш яқунлангандан сўнг унинг параметрларини асбоблар панелининг тугмаларидан фойдаланиб ўрнатиш мумкин.

Хулоса

Тест тизимини таълим олиш сифатини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий технологияларидан бири сифатида қараш мумкин. Тест тизими инсоният тафаккури эришган муваффақиятлардан бири бўлиб, таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, тест тизими билимларга баҳо беришнинг истиқболли усули ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Юлдашев У.Ю., Зокирова.Ф.М. Методика преподавания информатики.- Т.: “Алоқачи”, 2005. – 154 с.

2. Каюмова Н.А. Ispring дастури ёрдамида тестларни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш. Услубий кўрсатма. - Қарши, 2011. – 40 б.
3. Закирова Ф.М., Набиулина Л.М. Тестовые задания по курсу «Информатика и информационные технологии».- Т.: “Алоқачи” 2008. – 80 с.

Аннотация

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТЕСТ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

Д.Э.Тоштемиров, Д.Э.Абдураимов, Я.Э.Джумабаева

Мақолада таълим тизимида ўқувчиларнинг олган билимларини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий технологияларидан бири сифатида кенг фойдаланилаётган тест тизими ҳақидаги масалалар ёритилган. Бунда тест тизимининг аҳамияти, тест топшириқларини тузиш жараёнига қўйиладиган талаблар ва компьютерда тест ўтказишнинг имкониятлари баён қилинган.

Таянч сўзлар: тест, назорат қилиш, баҳолаш, компьютерда тест ўтказиш, Ispring, QuizMaker.

Аннотация

**СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕСТИРОВАНИЯ В
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ**

Д.Э.Таштемиров, Д.Э.Абдураимов, Я.Э.Джумабаева

В статье изложены вопросы, касающиеся системы тестирования, которая широко используется в качестве одной из передовых технологий контроля и оценки знаний учащихся в системе образования. Важность тестовой системы, требования к процессу подготовки тестового задания и возможность тестирования компьютера.

Ключевые слова: тестирование, контроль, оценка, тестирование на компьютере, Ispring, QuizMaker.

Summary

MODERN TECHNOLOGIES OF USING THE TESTING SYSTEM IN THE EDUCATIONAL PROCESS

D.E.Tashtemirov, D.E.Abduraimov, Ya.E.Djumabaeva

The article outlines issues related to the testing system, which is widely used as one of the advanced technologies for monitoring and assessing students' knowledge in the education system. The importance of the test system, requirements for the preparation of the test task and the ability to test the computer.

Keywords: testing, control, evaluation, testing on a computer, Ispring, QuizMaker